



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqq boshlagan

www.uzas.uz

2017-yil 1-sentyabr №36 (4435)

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ОЛТИ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!
Муҳтарам меҳмонлар!
Хонимлар ва жаноблар!

Авваламбор, мана шундай қутлуг кунда сиз, азизларни ва бутун халқимизни энг улуг ва энг азиз байрамимиз – Мустақиллик кунин билан чин қалбимдан самимий табриклаб, ўзимнинг энг азгу тилаklarимни билдиришга рухсат бергайсиз.

Бундан ролпа-роса йигирма олти йил муқаддам Биринчи Президентимиз, атоқли давлат ва сиёсат арбоби Ислон Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилди.

Шу кундан эътиборан жаҳон харитасида янги мустақил ва суверен давлат – Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлди.

Жонажон Ватанимизнинг кўп минг йиллик тарихида янги давр – эркинлик ва озодлик, миллий тикланиш ва тараққиёт даври бошланди.

Биз бугун халқимизнинг хоҳиш-ирода-си билан танлаб олган, истиқлол йилларида босиб ўтган оғир ва машаққатли, шу билан бирга, гоёт шарафли йўлимизни сарҳисоб қилар эканмиз, тарихан қисқа бир даврда ўз тақдиримизни ўзимиз ҳал этиш, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш, миллий давлатчилигимизни, азалий қадрият ва урф-одатларимизни, муқаддас динимизни тиклаш, инсон ҳуқуқ ва эркин-

ликларини таъминлаш борасида улкан ютуқ ва марраларни қўлга киритганимизни фахр билан тилга оламиз.

Албатта, ушбу ютуқларнинг қўлга киритилишида Биринчи Президентимиз Ислон Абдуғаниевич Каримовнинг тарихий хизматлари бекиёс бўлганини бугун барчамиз, бутун халқимиз тақдоран эсга олишимиз табиийдир.

Бугун асим пойтахтимиз Тошкент шаҳрида, Оксарой қароргоҳи олдида Ислон Абдуғаниевичнинг ҳайкалини очдик. 2 сентябрь кунин эса Ислон ака туғилиб вояга етган Самарқанд шаҳрида у кишининг ҳайкали очилади.

Насиб этса, 2018 йил 30 январда – у киши туғилган кунга 80 йил тўладиган санада Қарши шаҳрида Биринчи Президентимизга ҳайкал ўрнатиш, Самарқанд шаҳрида ёдгорлик мажмуаси барпо этиш ишларини тўла якунига етказиб, уларнинг ҳам тантанали очилиш маросимларини ўтказамиз.

Бугун барчамиз бир фикрда яқдилмиз: Биринчи Президентимизнинг Ватан ва давлат олдидаги буюк тарихий хизматлари, сўнмас хотираси халқимиз қалбиди абадий яшайди.

Хурматли ватандошлар!
Юртимизда тинчлик ва осойишталикни, халқимизнинг муносиб ҳаёт кечирилишини таъминлаш борасида бугун олдимизда яна-

да муҳим ва долзарб вазифалар турганини биз ҳар томонлама чуқур англаймиз.
Жаҳон миқёсида рақобат тобора кучайиб бораётган бугунги кескин бир давр барчамиздан янгилаш ишлаш ва фикрлашни, юқори даражада сафарбарликни талаб этмоқда.

Олдимизда турган ана шу улкан вазифалардан келиб чиқиб, мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга кўтариш мақсадида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини қабул қилдик.

Ушбу Стратегияда давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсатни изчил давом эттириш каби масалалар тараққиётимизнинг асосий йўналишлари сифатида белгилаб олинди.

Ҳаракатлар стратегиясида **“Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак”** деган тамойил давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бирига айлангани албатта бежиз эмас.

Давоми иккинчи саҳифада.

МУСТАҚИЛ МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БУЮК БАЙРАМИ

“Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройида Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллигига бағишланган байрам тантанаси бўлиб ўтди

Мустақиллик – ҳар бир халқ учун улугъ неъмат, буюк иноят.

Мустақиллик – ўзликни англаш, ўз ота маконининг эгаси бўлиш, ор-номусини баланд тутиш ҳуқуқидир.

Мустақиллик – жаҳонда тенглар ичра тенг бўлиш, ўз тақдирини ўзи белгилаш, эркин ва фаровон яшаш имкониятидир.

1991 йил 31 август мамлакатимиз ана шундай тарихий ютуққа эришган буюк сана. Мустақиллиқнинг қадр-қимматини чуқур англайдиган халқимиз бу кунин катта шоду хуррамлик билан байрам қилади.

Бу йил ҳам шундай бўлди. Президентимизнинг 27 июндаги қарорига биноан Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма олти йиллик байрамига катта тайёргарлик кўрилди. Жамиятимиздаги янгилашларга мувофиқ байрам тадбирлари ҳам янгилаш шакл ва мазмун касб этди.

Давоми иккинчи саҳифада.



ТИНЧЛИК ВА ФАРОВОНЛИК ЙЎЛИДА ҚУРАШГАНЛАР ХОТИРАСИГА ЭҲТИРОМ

Тинчлик, мустақиллик, тараққиёт. Бу улугъ тушунчалар бир-бири билан мудом ёнма-ён. Зеро, айнан шу неъматлар эл-юрт фаровонлигини, унинг истиқболи ва ривожланиш босқичларини белгилаб беради. Ўзбекистон эришган ва эришаётган бетимсол ютуқлар, улкан ислохотлар, янгилашлар, бунёдкорлик ишлари, халқимизнинг фаровон турмуши, осойишта ҳаётимиз, вояга етаётган баркамол авлод – мана шу улугъ неъматларни инъом этган истиқлол учун қанчадан-қанча аждодларимиз курашган, шаҳид кетган. Бу йўлда жон фидо қилган боболаримизни Мустақиллик байрами кунларида яна бир бор эслаш, уларнинг муқаддас руҳларини шод этиш барчамизнинг инсоний бурчимиздир.

Биринчи Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан пойтахтимизнинг Бўзсув соҳилида бунёд этилган “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуи халқимиз озодлиги йўлида қурбон бўлган, жонини фидо қилган ватандошларимиз хотирасига кўрсатишган улкан эҳтиромнинг ёрқин ифодасидир. Бугун ушбу ёдгорлик мажмуидан зиёратчилар қадами узилмайди. Бу маскан нафақат шаҳидлар ёдини ифода этади, балки бугунги авлодни табаррук Ватанимизни,

мустақилликни кўз қорачиғидек асраб-авайлашга ундайди.

...31 август. Эрта тонг. Катагон қурбонлари хотирасига бағишлаб бунёд этилган рамзий қабр устидаги айвон гумбази узра қуёш нурлари жилваланади. Осузда отаётган тонгни кўриб қалбларда шукроналик, шу озод ва обод юрт тақдирига дахлдорлик туйғуси жўш уради.

Катагон қурбонлари кунин муносабати билан мазкур хиббонда халқимиз озодли-

ги ва юртимиз мустақиллиги йўлида қурбон бўлган марҳумларни ёд этиш маросими ўтказилди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

Анъанага кўра ош тортилди. Қуръон тиловат қилиниб, катагон қурбонлари руҳига ҳурмат бажо келтирилди.

Президентимиз Ўзбекистон мусулмонлари идораси раҳбарияти, уламолар, маҳалла фаоллари ва зиёлилар билан суҳбатлашди.

Мана шундай нурафшон кунларни орзу қилган, шу йўлда жонини ҳам аямаган аждодларимиз хотирасини ёд этиш билан қалбимиз нурга тўлади, руҳимиз тетиклашди, деди давлатимиз раҳбари. Эзгулик аталмиш қудратли кучнинг абадийлигига, адолат тантанасига яна бир бор амин бўламиз. Истиқлол йилларида қўлга киритаётган ютуқларимиз, амалга ошираётган улкан ишларимиз билан фахрланамиз. Улар бир умр орзу қилган, бугунги авлодга насиб этган мустақиллик, эркин ва фаровон ҳаёт аҳамиятини янада теран англаймиз.

Давоми иккинчи саҳифада.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ҲАЙКАЛИНИНГ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗИ

Қадрли ватандошлар!
Хурматли Татьяна Акбаровна!
Азиз меҳмонлар!

Бугун сизлар билан асим Тошкентнинг табаррук маскани – Оксарой қароргоҳи олдида муҳим тарихий воқеа муносабати билан тўпланиб турибмиз.

Буюк давлат ва сиёсат арбоби, мустақил давлатимиз асосчиси, Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти муҳтарам Ислон Абдуғаниевич хотирасига бағишлаб бунёд этилган ҳайкалнинг очилиш маросимида иштирок этмоқдамиз.

Ислон Абдуғаниевич бугун умрини жонажон Ўзбекистонимиз учун, унинг озодлиги ва буюк келажаги учун бағишлади.

Ислон ака тарихимизнинг энг мураккаб ва оғир даврида – миллатлараро зиддиятлар авж олган, иқтисодиёт чуқур инқирозга учраб, республикамиз жар ёқасига келиб қолган кескин ва таҳликали бир шароитда мамлакатда раҳбарлик қилиш масъулиятини ўз зиммасига олди.

Ватанимиз тарихида янги давр бошланган кун – 1991 йил 31 августда Ислон Абдуғаниевич Ўзбекистон мустақиллигини эълон қилди ва чорак аср давомидида давлатимизни изчиллик ва собитқадамлик билан бошқарди.

Биринчи Президентимиз раҳбарлиги остида тарихан қисқа даврда юртимизда кенг қўламли таркибий ислохотлар амалга оширилди. Юқори технологияларга асосланган янги саноат тармоқлари барпо этилди ва ривожлантирилди. Замонавий йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфраструктуралари бунёд этилди. Қишлоқ ҳўжалигида чуқур ислохотлар амалга оширилди.

Ислон Абдуғаниевич бошчилигида Ватанимиз мустақиллиги ва сарҳадларимиз дахлсизлигини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган замонавий миллий армия барпо этилди.

Буюк Юртбошимизнинг ташаббуси билан мамлакатимизда маънавий қадриятларимизни тиклаш, муқаддас динимиз, урф-одатларимиз, бебаҳо тарихий меросимизни асраб-авайлаш ва ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Ислон Абдуғаниевич ўз ҳаёти ва фаолиятининг мазмуни бўлган **“Биздан озода ва обод Ватан қолсин!”** деган эзгу гоёни илгари сурди ва бу даъват барчамизнинг қалбимиздан чуқур жой олди.

У киши **“Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак”** деган ўзининг гоёсига бир умр амал қилиб, келажақ авлодлар учун буюк ибрат мактабини яратди.

Ислон ака миллатнинг ҳақиқий етакчиси сифатида она халқини, гўзал ва бетакрор Ўзбекистонни жонидан ҳам ортиқ севар, унинг манфаатларини ҳимоя қилиш ва рўёбга чиқаришни ўз ҳаётининг бош мақсади, деб билар эдилар.

Ўз навбатида, халқимиз ҳам доимо эл-юрт ташвиши билан яшаган Биринчи Президентимизни чексиз меҳр билан севар ва ўзининг улугъ раҳбари сифатида у киши билан ҳақли равишда фахрланар эди.

Хурматли ватандошлар!

Биринчи Президентимизнинг хотирасини абадийлаштириш учун халқимиз, кенг жамоатчиликнинг хоҳиш-истаклари ва тақлифларини инобатга олиб амалга ошираётган ишларимиз, ўйламанки, барчангизга яхши маълум.

Тошкент шаҳридаги халқаро аэропорт, Тошкент давлат техника университети, Асака автомобиль заводи, Фарғона шаҳридаги Санъат саройи, пойтахтимиз ва ҳудудларимиздаги марказий кўчалар, Оксарой қароргоҳида ўз фаолиятини бошлаган илмий-маърифий ёдгорлик мажмуаси, махсус хайрия жамоат фонди Ислон Абдуғаниевичнинг муборак номлари билан аталди.

2 сентябрь кунин хайрли ишларимизнинг давоми сифатида Ислон Абдуғаниевич туғилиб вояга етган,

мангу ором топган асим Самарқанд шаҳрида улугъ йўлбошимизнинг ҳайкали очилишига бағишланган маросим ўтказилди.

Шунингдек, Қарши шаҳрида ҳайкал ўрнатиш ва Самарқанд шаҳрида ёдгорлик мажмуасини барпо этиш бўйича бошлаган ишларимизни тўлиқ якунлаб, у кишининг туғилган кунига 80 йил тўладиган сана – 2018 йил 30 январда тантанали очилиш маросимини ўтказамиз.

Муҳтарам дўстлар!

Биринчи Президентимиз ҳаётининг энг фаол ва жўшқин пайтини – талабаликдан бошлаб умрининг охирига қадар бўлган даврини асим Тошкент шаҳрида ўтказди. Ўзларининг бор билим ва салоҳиятини, ғайрат-шижоатини Ўзбекистонимизнинг барча ҳудудлари қатори пойтахтимизнинг янада обод ва кўркем бўлишига, гуллаб-яшнашига бағишладилар.

Ислон Абдуғаниевич Тошкентни Ватанимизнинг олтин оstonаси, деб атар эдилар.

У кишининг **“Тошкент тимсолида Ўзбекистонни, Ўзбекистон тимсолида Тошкентни кўрамиз”** деган чуқур маъноли сўзларини шу бугунги тарихий кунда яна бир бор эсга олиш ўринли, деб ўйлайман.

Биринчи Президентимиз томонидан барпо этилган мана шу қароргоҳда у кишининг давлат раҳбари сифатидаги фаолиятининг энг ёрқин дамлари ўтган эди.

Айнан шу ерда халқимиз, мамлакатимиз тақдирини ва келажагига оид гоёт муҳим бўлган кўплаб фармон ва қарорлар қабул қилинган сизларга яхши маълум.

Бундан бир йил олдин бошимизга тушган оғир мусибат туфайли ҳўвилаб қолган Оксарой қароргоҳи бугун Ислон аканинг меҳрли сиймоси туфайли янада очилиб, нурафшон бўлиб, эл-юртимизни ўз бағрига қорламақда.

Бугун ушбу қароргоҳ олдида халқимиз, давлатимиз номидан буюк йўлбошимизнинг хотирасига ҳурмат-эҳтиром кўрсатар эканмиз, ўйламанки, барчамиз Ислон Абдуғаниевичнинг бу муаззам ҳайкали шу майдонда алоҳида улугъворлик ва салобат бағишлаб турганига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Ишончим қомил, бугундан бошлаб ушбу мажмуа бутун халқимиз учун бир умрга қутлугъ ва табаррук қадамжо бўлиб қолади, албатта.

Тошкент аҳли, мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларидан келадиغان ватандошларимиз, чет эллик меҳмонлар, давлат ва жамоат арбоблари бу ерга ташриф буюриб, ёдгорлик мажмуасини зиёрат қилиб, Биринчи Президентимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирадилар.

Бу масканга қадим қўйган ҳар бир инсон муҳтарам Ислон Абдуғаниевич юрган йўлақлардан, хиббонлардан ўтиб, музей билан яқиндан танишиб, истиқлолимиз меъмори ва асосчиси билан ҳаёлан учрашгандек, мулоқот қилгандек бўлади.

Барчамизга яхши маълум, Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашида ҳам Ислон Абдуғаниевичнинг хизматлари бекиёсдир.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги маросимда иштирок этаётган, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатларнинг элчилари ва дипломатик корпус вакилларига Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти хотирасига кўрсатаётган ҳурмат ва эътиборлари учун чин қалбимдан миннатдорлик билдиришга рухсат этгайсиз.

Азиз дўстлар!

Ишонаман, Ислон Абдуғаниевичнинг муҳташам ҳайкали қад ростлаган ушбу қутлугъ маскан халқимиз, барча ёшларимиз учун Ватанга юксак меҳр ва садоқат кўрсатиб яшашнинг чинакам тимсолига айланади, катта тарбия ва ибрат мактаби бўлиб хизмат қилади.

Орадан йиллар, асрлар ўтади, муҳтарам Биринчи Президентимизнинг номи ва у киши бошчилигида амалга оширилган буюк ишлар юртимизнинг шонли тарихида ўчмас саҳифа бўлиб мангу қолади.

Эътиборингиз учун раҳмат.

ТОШКЕНТДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ҲАЙКАЛИ ОЧИЛДИ

Бундан ролпа-роса йигирма олти йил муқаддам Биринчи Президентимиз, буюк давлат ва сиёсат арбоби, ўзбек халқининг атоқли фарзанди Ислон Каримов Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилган эди.

Ўзбекистон халқи истиқлол йилларида эришилган барча оламшумул ютуқ ва марраларни мамлакатимизнинг Биринчи Президенти номи ва фаолияти билан боғлайди. Ислон Каримов бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал

қилувчи кучи бўлмиш ёшларнинг онгу тафаккури ва дунёқарашини бутунлай ўзгартириб, ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказишнинг янги принциплар тизimini яратиб, уни ҳаётга жорий этишга бевоқиф раҳбарлик қилди.

...2017 йил. 31 август. Биринчи Президентимиз кўп йиллар давомида фаолият олиб борган Тошкент шаҳридаги Оксарой қароргоҳи, унга туташ кўркем майдон ва хиббон. Мусаффо осмон, маҳзун мусиқа садолари остида давлатимиз байроғи ҳилпирайди.

Давоми иккинчи саҳифада.

— Ахир, кечаси яна кетасиз... бугун хойдин, сув тарайсиз...

Исматулла БЕКМУРАТОВ,
Тошкент давлат шарқшунослик институти, жаҳон сиёсати, тарих ва фалсафа факултети декани

Ҳамид ОЛИМЖОН

ҲАМ

Мен дунёга келган кунданок
Ватаним деб сени, уйғондим,
Одам бахти биргина сенда
Бўлурга мукамал қондим.

Қулоғимга номин кирганда
Қумлиқ каби ташна боқурман,
Сенинг жаннат водийларингдан
Наҳрлардай тўлиб оқурман.

Билсинларким, йўлдошим бўлмас,
Кўзда ёши билан қулганлар,
Тиллари бор, ўзлари ҳаёт,
Лекин, юрак-бағри ўлганлар.

Ҳар айтганим буюк жангнома,
Қайга десанг қайтмай кетурман,
Кўзларимни юммасан асло —
Дарё каби уйғок ўтурман.

Қурбон ҳайитингиз муборак бўлсин!



ДАҲДОРЛИК ТУЙҒУСИ

Ватан ҳимояси, мамлакат хавфсизлиги бугунги миллий армиямизнинг қудрати ҳамда юрт посбонларининг жанговар тайёргарлигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Бу борада Тўмарису Широқлар замонидан то Жалолитдин Мангубердигача, соҳибқирон Амир Темур давридано то бугунги кунларгача улғу аждодлар, буюк саркардаларнинг ҳақрамонлиги ва жасорат тимсоллари биз учун ўлмас қадриятга айланган. Халқимиз эрки ва озодлигини ҳимоя қилиш ватанпарварлигининг олий намунаси сифатида юрт посбонлари руҳияти-

Тадбирда эришилган ютуқлар билан бир қаторда соҳадаги камчилик ва муаммолар ҳам тилга олинди. Мудофаа вазирлиги қўшинларида жанговар тайёргарлик ва шайлиқни ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар танқидий таҳлил қилинди. Мамлакатимиздаги барча таълим муассасаларида ватанпарварлик тарбияси бўйича тегишли фанлар ва машғулотларни жорий этиш ҳамда уларни қучайтириш борасида амалий ишлар бошлангани, шунингдек, олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга кириш

учун ёшларни бошқича-бошқич ва мақсадли тайёрлаш юзасидан қўшим-

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

да мустақам илдиэ отгани, жанговар шон-шухрат аънаналари давом этаётгани қалбимизни фахр-ифтихорга чулғайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 28 август кунин Самарқандда бўлиб ўтган сайёр видеоселектор йиғилишида Қуролли Кучларимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг натижалари ва бу борадаги долзарб вазифалар ижросига алоҳида эътибор қаратилди. Кейинги беш йилга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган аниқ вазифа ва йўналишлар миллий армиямизни янада ривожлантириш ва тақомиллаштириш, мамлакатимиз суверенитети ҳамда ҳудудий ахиллигини ҳимоя қилишга қаратилган тадбирлар ва нўхта ўйланган режаларни амалга оширишда асосий омил бўлимоқда.

Давлатимиз раҳбари йиғилишда “Каттақўрғон” полигонинда ўтказилган ҳарбий ўқув машқлари муваффақиятли якунланганини таъкидлаб, унда Мудофаа вазирлиги бўлинмалари мамлакатимиз хавфсизлигини ҳимоя қилиш бўйича зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш борасида етарли салоҳиятга эга эканини кўрсатгани, шунингдек, Қуролли Кучларимизнинг жанговар тайёргарлиги ва имкониятларини ошириш бўйича муайян ижобий натижаларга эришганимиз яққол намоён бўлиганига эътибор қаратди. Шунинг ҳам айтиш кераки, Қуролли Кучлар фаолиятига доир соҳаларга бевосита тааллуқли бўлган масалалар бўйича халқ билан ҳамкорлик қилишнинг мутлақо янги тизими жорий этилди.

М.АБДУЛЛАЕВ

БАРДАВОМ АНЪАНАЛАР

Амалий санъат музейида ташкил этилган “Анъаналар эътиди давом” номли кўргазма мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма олти йиллигига бағишланди. Экспозицияда миллий матолар, либослар, гиламлар, ёғоч ўймакорлиги, чолғу асбоблари, каштачилик, зардўзлик, чинни буюмлар ва қўлолчилик сингари йигирманчи асрга оид амалий санъат намуналари намоён этилмоқда. Халқимиз миллий чолғуларга бой халқ, Созгарликнинг мукамал шаклланиши ва ривожиди сулоларнинг меҳнати ва заҳмати бекиёс. Жумладан, уста Усмон Зуфаров ва унинг авлодлари яратган миллий чолғу асбоблари нафақат юртимизда, балки хорижий мамлакатларда ҳам доғруғ қозонган.

Зуфаровлар сулоласи, Бахтиёр ва Абдуқодир Алимовлар, Ҳабибулло Имомов, Фахриддин Муҳиддинов, Хирождин Муҳиддинов каби усталар ясаган қарнай, сурнай, най, қўшнай, ногора, чилдирма, гижжақ, рубоб, уд, дутор, танбур, сато каби ўттиздан ортик со-

злар безакларининг нафислиги ва чалишга қулайлиги билан ажралиб туради. Утган асрда урф бўлган “хонатлас”, “номозшомгул”, “нимшоийи”, “бекасам”, “адрас” каби ипак матолар ҳамда улардан тикланган бежирим либослар ҳам томошани бефарқ қолдирмади. Халқимизнинг сеvimли буюмларига айланган “пахта”, “атлас”, “баҳор” номли зарҳал чинни тўпламлар жилоси аёллар эътиборини тортиди. Айниқса, ёғоч ўймакорлигининг сара намуналари хонатла, қаламдон, устун ва эшикларнинг миллий ва аънавий нақшларга бойлиги катта таассурот қолдирди. Тадбир доирасида созанда-ларнинг ихчам чиқишлари ҳамда соз ясаш маҳорат дарслари бўлиб ўтди.

“Баркамол авлод” ва Ўзбекистон давлат консерваторияси ижодий гуруҳларининг куй-қўшиқлари тадбирга фойз бағишлади.

Сарвара ҚОСИМОВА

Мақсуд ШАЙХЗОДА

“ВАТАННИ ИНТИЗОР КЎРДИМ...”

(“Жалолитдин Мангуберди” тарихий драмасидан.)

Бўлиб шамшир зам доим қўлимда зулфиқор кўрдим,
Залилни шармисор кўрдим, йигитни пойдор кўрдим.

Ҳибелар дастидан, эй вох, халойиқлар қилар нола,
Зайфини хору зор кўрдим, ботириш наърадор кўрдим.

Бўлиб вайрон шаҳар аҳли ҳамроҳиниш ўлмиш,
Гулистонни музлар кўрдим, ўликлардан минор кўрдим.

Қочар арслонни кўрганда тулкидай майхўр Чингиз,
Хўжум деб лашкарим юрса, мўғулни тору мор кўрдим.

Менга тақдир давлатни ҳавола айламиш толе,
Ватанини интизор кўрдим, зафарни ошкор кўрдим.

Муҳаммад ЮСУФ,
Ўзбекистон халқ шоири

ТИЛАК

Ҳар кимнинг ҳам сочларига оқ тушсин,
Ажини тушсин юзларига, доғ тушсин.
Ҳар кимнинг ҳам қувват кетиб белидан,
Қўлларига асо — бир таёқ тушсин.
Имони соф, юзга кириб ёғу юз,
Тўйлар кўриб елкасидан тоғ тушсин.
Жисмига сўнгги сафар олдидан
Ўз боласин қўлидан тупроқ тушсин...

ҚАЛБ ЗИЙНАТИ

“Акам ҳарбий хизматдан қайтган, уйлантириш тадбирини бошлаб юбордик. Ҳовли-жой, уйни таъмирлашга тушиб кетдик. 6-7 ёшлар чамасидаги ўйинқароқ боламан. Деворни бузишадиган бўлишди. “Олтин девор” спектаклидиган, девор ўртасидан тугунчага ўралган хазина топиб олишди. Увадаси чиқиб кетган тугунчани кўтариб момонининг олдига чопдик. Момон қалтираган қўллари билан тугунчани очаркан, хиралашган кўзларидан милт-милт ёш қуйилди. Чунки бу хазина — бобомнинг яширган китоблари, бойликлари эди. Бобом — 37-йил қатағонининг қурбони — қамоққа кетиш олдидан китобларни девор орасига яшириб кетган экан. Мана ўша китоблардан бири.”

Қорақалпоғистон халқ шоири Музаффар Аҳмад ўз сўзини якунларкан, қўлидаги китобни баянда кўтарди. Эскириб кетган қора муқовали кўлэзма ҳазрат Алишер Навоийнинг асарлари эканини эшитган борки, қалқиб оёққа турди, зални гудгурс оқлишлар овози туйиб кетди.

Юнусобод туман ҳокимлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази Юнусобод туман бўлими, “Ўзбекконцерт” эстрада бirlашмаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида Ўзбекистон тарихи давлат музейида ўтказилган “Китоб қилб гавҳари, кўнгил зийнати” мавзусидаги маънавий-маданий тадбир шундай қизиқарли сўбатларга бой бўлди. Унда шоир ва ёзувчилар, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари, ҳарбий қисмлар ҳамда маҳаллаларнинг фаоллари иштирок этди.

“Ҳозир ҳоҳлаган китобни топиб ўқишингиз мумкин. Бир гал кутубхонамизга янги китоблар келибди-ю, менга етмай қолди. Энди бу ҳафта қандай китоб ўқидинг деб сўрашса, нима деб жавоб беришни ўйлаб турганимда бир кичкина қўлланмага кўзим тушди. Кутубхоначидан сўрасам: бу сен ўқийдиган китоб эмас, деди. Мен шунда ҳам китобни уйга олиб кетдим. Очиб қарасам, кўй боқиш ҳақидаги чорвадорлар учун қўлланма экан. Ўша китобни ҳам ўқиб чиққанман”.

Куни кеча “Дўстлик” ордени билан мукофотланган таниқли публицист Аҳмаджон Мелибоевнинг бу сўзлари ёшларни бефарқ қолдирмади. Бу ҳаётини мисол кўпчилигининг китобга бўлган муҳаббатини оширигани шубҳасиз.

Республика Маънавият ва маърифат маркази тарғиботчиси, профессор Жамила Шермухаммедова ва “Гулистон” журнали бўлим муҳаррири Шермурод Субҳоннинг китоб мутолааси ҳақида ибратли ҳикоялари, мутолаага қизиқтиришга даъватлари йиғилганларга манзур бўлди.

Барно СУЛТОНОВА

БҮЮК ТЕРМИЗИЙЛАР

Қўхна Термиз замини — бугунги Сурхон воҳаси ҳудудида қадимдан халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиёти, китобат санъати ривожланиб келган. Қирқдан ортик аллома, муҳаддис, мутасаввиф, шоир ва адиб Термизийлар, ўндан ортик Чағоний тахаллуси билан ижод қилган алломаларнинг илмий-адабий мероси бунга далилдир.

Таниқли шоир Мирза Кенжабек мусаннифлигида “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриётида чоп этилган “Буюк Термизийлар” номли китобда Термиз тарихи ва ушбу заминдан етишиб чиққан улғу сиймоларнинг ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ қимматли маълумотлар жамланган.

“Эскидан маъмурий жиҳатдан Термизга қарашли бўлган ҳудуд Термиз деб аталган. Шунинг учун мазкур шаҳар ва унинг атрофларида етишиб чиққан зотларнинг ҳаммалари Термизий деган нисба билан шуҳрат топанлар”, деб ёзади мусанниф. Дарҳақиқат, қадимий Термизнинг шон-шавкати, эътибор ва шарафи ҳам буюк Термизийлар номи билан боғлиқдир. Истиқлол йилларида Термизийларнинг маънавий мерослари халққа қайтарила бошланди.

Китобнинг илк бобида Қуръонда муборак номлари келган пайғамбар — ҳазрат Зул-Кифл алайҳиссалом ҳамда у зотга нисбат берилган — Пайғамбар оролидаги мақбара ҳақида сўз юритилди. Ҳазрат Алишер Навоий “Насойим ул-муҳаббат”да Ал-Ҳаким ат-Термизийни таърифлаб: “Машойихи кибординдур (шайхларнинг улғуларидандир)”, дейди. “Буюк Термизийлар” китобида шу улғу мутафаккир ҳаёти ва фаолияти батафсил ёритилган: устозлари ва шогирдлари, тариқат ва таъ-

Янги нашрлар

лимотлари, асарлари, улардан намуналар, ҳикматли сўзлари ва бошқа кўплаб қимматли маълумотлар келтирилган. Буюк муҳаддис, ҳазрат Абу Ийсо Муҳаммад ат-Термизий ҳақида ҳам китобда кенг қўламли, батафсил ёритилган маълумотлар жамланган. Шунингдек, ҳазратнинг “Рамуз ал-аҳодис” ва “Сунани Термизий” китобларидан намуналар берилган.

“Буюк Термизийлар” китобининг навбатдаги — “Азизи жаҳон Термизийлар”, “Уламо ва фузало Термизийлар”, “Сунани Термизий” ва “Ал-Қанд фий зикри уламои Самарқанд”да зикр қилинган муҳаддис Термизийлар” боблари ҳам термизлик улғу алломалар, уларнинг ибратли ҳаёти, эзгулик йўлидаги фаолияти, ўзларидан мерос қолдирган бебаҳо асарлари ҳақидаги муҳтасар, аниқ ва қимматли маълумотлар билан бойитилган.

Мусанниф шоир ва адиб Термизийлар ҳамда Чағонийларга алоҳида бир бобни бағишлаган. Мазкур бобда уларнинг таржimai ҳоли, яшаган даври, унвону тахаллусларига берилган шарҳ-ишхлар билан бирга ижодларидан намуналар ҳам босилган. Қадим Чағоний азизлари ҳақидаги маълумотлар китобнинг сақизинчи бобидан жой олган.

“Термиз манзумаси” мазкур китоб мусаннифи, таниқли шоир Мирза Кенжабек қаламига мансуб, унинг Термиз ва Сурхон воҳаси билан боғлиқ турли йилларда ёзган шеърларидан таркиб топан. Кўп меҳнат, заҳмат эвазига юзага келган китоб ўқувчилар, айниқса, ёшларимизни илму маърифатга, фазлу камолга ундайдиган зарур на-шрлардан бири, десак янглишмаймиз.

А.ОТАБОВ

СОҲИР ШЕЪРИЯТ СОҲИБИ

Таниқли шоир ва мутаржим Матназар Абдулҳакимнинг Фафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан нашр этилган “Танланган асарлар”идан юракка яқин шеърлари, Шайх Нажмиддин Кубро, Паҳлавон Маҳмуд, Мирзо Абдулқодир Бедил меросидан қилган таржималари ўрин олган.

Китобларга жамланган тўртлик, ғазал, рубоий, сонет, туркум шеърлар ва достонлардаги ибратнамо қарашлар, фалсафий мулоҳазаларни ижод ва умр йўлларида орттирилган ҳаётий сабоқлар меваси, дейиш мумкин.

Ҳикматларга йўғрилган манзумалар шоир шеърлатига ошно тутинган қалбларни ўз нафосатию зарофати ила завққа тўлдиради. Шоир юракка яқин ва ёқимли туйғуларни тақор қаламга олса-да, бетакор йўсинда қўлайди. Шу сабаб улар “юлдуздан нур эмган қатралар”дек шаффоф ва дилтортар.

“КЎНГИЛ ПОЙТАХТИ”

Фафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан чоп этилган ёш шоир Жўрабек Жаҳоннинг “Кўнгил пойтахти” номли шеърий тўпламига жамланган шеърларда ватанпарварлик туйғулари, инсоний муносабатлар талқини, муҳаббат тўғёнлари, оддий ҳаётини ҳақиқатлар ўзининг поэтик ифодасини топан.

Тўпламга жамланган туркумларни бирлаштириб турадиган муштарак жиҳат лирик қаҳрамоннинг жўшқин, сермавж туйғуларидир. Улар ёшлик ғайрати ва ҳайратидан тўғилган. Шоир ҳар бир ҳаётини воқеликдан олган руҳий ҳолати, қалб тўғёнлари тасвирини гўзал ташбеҳлар воситасида рассом янглиғ тасвирлашга интилган. Муқаддас замин, қўхна тупроқ, жонажон ўлка ва унинг бағрида яшовчи қалби уйғоқ инсонларга бағишланган “Эхтиром”, “Шифокорлар”, “1-сентябр” сингари шеърларда оташин меҳр, бунёдкор халқ қудратидан фахр-ифтихор туйғулари буй кўрсатади. Муҳаббат ва висол, рашк ва изтироб мавзусидаги шеърларда бадиий топишмалар, чиройли ўхшатишлардан ўрнида фойдаланиб, ҳис-ҳаяжонларини шавқ билан қўлайди. Тўпламнинг охиридан ўрин олган “Жўриққа жаҳд” номли мақолада Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими Сувои Мели ёш шоир ижодида таҳлилий назар солган.

БОҒЛАР МУҲОФАЗАСИ

Республика маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш илмий-методик маркази Тошкент шаҳар Маданият бошқармаси билан ҳамкорликда “Маданият ва истироҳат боғларида хавфсизлик бўйича умумий талаблар ва меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ташкил этиш” мавзусида тажриба алмашув семинарини ўтказди. Тошкент давлат мусикали (оперетта) театрида бошланган тадбирда сўзга чиққан соҳа мутахассислари мамлакатимиздаги боғларнинг ҳозирги ҳолати ва фаолияти ҳақида гапирдилар. Жумладан, боғларда ўтадиган маънавий-маданий тадбирларнинг савиясини кўтариш, аҳолининг, айниқса, ёшларнинг кўнгилли хордиқ чиқаришлари учун зарур шароит яратиш борасида янги тажрибалар ўрганилди.

Семинарнинг амалий қисмида иштирокчилар пойтахтимиздаги Фафур Гулом номидаги маданият ва истироҳат боғи фаолияти мисолида аҳолига маънавий хизмат кўрсатиш турларини янада кенгайтириш, техника хавфсизлиги чораларини таъминлаш, хусусан, замонавий аттракционлардан тўғри фойдаланиш борасида амалга оширилаётган ишлар билан танишишди. Тадбир сўнггида боғнинг ёзги саҳнасида фольклор-этнографик жамоалар ҳамда эстрада хонандалари иштирокида концерт дастури ташкил этилди.

Азиза ИСОҚУЛОВА,
талаба

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети томонидан 2009 йил 13 июн санаси билан Тян Рустам Артемович номига берилган В № 433224 рақамли бакалавр дипломи йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Тахририятга келган қўлэзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқлангани мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Хумоюн АКБАРОВ
Саҳифаловчи — Зафар РЎЗИЕВ

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширишди — 01.15

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 26.11.2014 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Адади — 3413. Бюрога Г — 982. Ҳажми — 3 босма табақ А-2. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

СОТУВАЛ НАРХИ ЭРКИН.

ISSN 2541-614X



МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

ҲОМИЙ:
“МАТБУОТ ТАРКАТУВИЧИ”
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

Сайтга ўтганда ўқини QR-коднинг
телефонингиз орқали сканер қилинг.



**O'zbekiston
adabiyoti va san'ati**

Манзилми: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91
Котибият — 233-49-93

Тақдир ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42
Санаъат бўлими: 233-56-40
Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Бош
муҳаррир
Сирожидадин
САЙИД